

Президент Шавкат Мирзиёев буюк аллома Ҳаким ат-Термизий мақбарасини зиёрат қилди



11:49 / 13.03.2023 1858

Президент Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятига ташриф буюриб, буюк аллома Ҳаким ат-Термизий мақбарасини зиёрат қилди.

Аллоҳдан юртимизга тинчлик, хайр-барака тилаб дуо қилинди.

Уламолар билан бўлган суҳбатда илм-маърифат ривожига яратилаётган шароитлар ва диний эркинликлар ҳақида сўз юритилди. Кейинги йилларда мусулмонлар ибодатларини эмин-эркин адо этишлари учун барча шароитлар муҳайё қилинди: янги масжидлар, мадрасалар қурилди, илмий-маърифий мажмуалар барпо қилингани, ҳар йили минглаб юртдошларимиз ҳаж ва умра ибодатларини адо этиш бахтига мушарраф бўлишаётгани

таъкидланди.

Навбатдаги асосий вазифа бунинг аҳамияти ва маънавиятини халққа етказиш экани таъкидланди. Энг аввало имом-хатиблар ҳудудларга чиқиб, Ҳақим ва Имом Термизийлар, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғилоний, Абу Муин Насафий ва бошқа буюк алломаларимиз меросини тизимли ва чуқур ўрганиши кераклиги қайд этилди. Бунинг учун алоҳида дастур ишлаб чиқиш таклифи билдирилди.





